Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

● 2013-yil, 25-aprel. Payshanba ● 49-50 (31.640) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

## Репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича ўзбек модели БМТ томонидан Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун энг яхши минтақавий дастур сифатида тавсия этилди.

## «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ЖАМҒАРМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН «СОҒЛОМ АВЛОД – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Авваламбор, сиз, азизларни — «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган халқаро анжуман қатнашчиларини, Жамғарманинг барча ходимлари ва фаолларини бугунги қутлуғ сана билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Мустақил Ўзбекистон тарихида ҳукуматга қарашли бўлмаган биринчи жамғарма сифатида ташкил топган, ноёб ва бетакрор хусусиятлари билан ажралиб турадиган ушбу ижтимоий тузилма ўтган давр мобайнида, ўта муҳим ва масъулиятли вазифаларни амалга оширишда кўпгина ютуқ ва марраларга эришди.

Айниқса, юртимизда оналик ва болаликни ҳимоя қилишдек эзгу мақсадга қаратилган, дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган «Соғлом она — соғлом бола» дастурини ҳаётга жорий этишда Жамғарманинг беқиёс ўрни ва моҳиятини ўлчаш ва баҳолаш қийин.

Азал-азалдан ўзининг болажонлиги, оилага меҳри ва садоқати билан танилган эл-юртимизнинг, халқимизнинг қалбида доим сақланиб келаётган бундай олижаноб интилишлар мустақиллик йилларида Ўзбекистонда том маънодаги умуммиллий ҳаракатга айланди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида миллат генофондини яхшилаш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар марказларида замонавий перинатал ва скрининг марказлари бунёд этилгани, биргина 2012 йилда тиббиёт муассасаларини қуриш ва реконструкция қилиш, диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун 263 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланганининг ўзи, ўйлайманки, бу йўналишдаги ишларимизнинг кўлами ва миқёсидан далолат беради.

Юртимизда шаклланган репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича миллий модель Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун энг яхши минтақавий дастур сифатида тавсия этилгани, ҳеч шубҳасиз, халқаро миқёсдаги юксак эътирофдир.

Бундай улкан ютуқларни қўлга киритишда кўплаб давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Буни Жамғарма томонидан 1996 йилдан буён мамлакатимизнинг чекка ва олис туманларида яшаётган 3 миллиондан зиёд юртдошларимизга малакали тиббий-ижтимоий патронаж ёрдами кўрсатилгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Мазкур Жамғарма билан деярли бир вақтда таъсис этилган, мустақил Ватанимизнинг биринчи ордени бўлган «Соғлом авлод учун» ордени билан шу кунга қадар жами 850 дан ортиқ юртдошимиз, жумладан, чет эл фуқаролари тақдирлангани ва уларнинг сафи тобора кенгайиб бораётгани чуқур рамзий маънога эга.

Бу чиройли нишон кўксини безаб турган инсонларни кўрганда, менинг назаримда, мамлакатимизнинг бош майдони бўлмиш Мустақиллик майдонида ўрнатилган «Бахтиёр она» ҳайкали сиймосида айнан ана шу ордендаги она ва бола тасвири мужассам бўлгандек туюлади.

Мана шу қувончли айёмда «Соғлом авлод учун» ордени соҳибларини ва бугун давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган ватандошларимизни чин қалбдан табриклашни ўзим учун катта шараф, деб биламан.

Фурсатдан фойдаланиб, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган сизлар каби фидойи инсонларга, Жамғарманинг барча ходимлари ва фаолларига, аввало, унинг жойлардаги бўлимларида, маҳаллаларимизда сидқидилдан хизмат қилаётган жонкуяр опа-сингилларимизга ҳурмат-эҳтиром ва миннатдорлик билдиришни ўзимнинг бурчим, деб ҳисоблайман.

Шулар қаторида мана шундай эзгу мақсад йўлида Жамғарма билан доимий ва самарали ҳамкорлик қилиб келаётган юртимиздаги ва чет эллардаги ҳомий ташкилотларга, халқаро институтларга самимий ташаккур изҳор этаман.

Қадрли дўстлар!

Барчангизни «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг 20 йиллиги билан яна бир бор табриклаб, сизларга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, олижаноб фаолиятингизда янги-янги ютуқлар тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



## СОҒЛОМ АВЛОД – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

**Тошкентда «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишланган «Соғлом авлод — миллат келажаги» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

⇨ 2

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 апрель куни Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Роберт Блейкни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари икки томоннинг саъй-ҳаракатлари натижасида Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари узоқ муддатли асосда барқарор ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Давлатлараро муносабатлар ва ишбилармон доиралар, фан-таълим соҳаси, Ўзбекистон ва АҚШнинг фуқаролик жамиятлари вакилларининг самарали ҳамкорлиги ўзаро ҳурмат ва манфаатларни инобатга олиш тамойиллари асосида изчил ривожланмоқда.

Суҳбат асносида томонлар долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар, жумладан, Афғонистондаги ҳозирги вазият юзасидан фикр алмашдилар.

Давлат котибининг ёрдамчиси самимий қабул ҳамда Ўзбекистон — АҚШ муносабатларига доир муҳим масалаларни муҳокама қилиш имконияти яратилгани учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик изҳор этди, АҚШ раҳбарияти турли соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида бундан буён ҳам биргаликда иш олиб бориш тарафдори эканини қайд этди.

**ЎзА**

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг
### ФАРМОНИ

## «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида

*Мамлакатимизда соғлиқни сақлашни ривожлантириш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни шакллантириш ва тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш, аҳолининг тиббий маданиятини оширишдаги катта хизматлари учун фахрий унвон берилсин:*

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»**

**Инамова Светлана Турсуновна** — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси

*Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларни амалга ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишни ташкил этиш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**«Меҳнат шуҳрати» ордени билан**

**Нурметова Реймажон Абдуллаевна** — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Боғот тумани таянч пункти директори, Хоразм вилояти

**Юлдошев Даврон** — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Нурота тумани таянч пункти директори, Навоий вилояти

**II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан**

**Пашакулова Сакина Аббасовна** — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Ангрен шаҳар таянч пункти директори, Тошкент вилояти

**Усманова Юлдузхон Маматқуловна** — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Сирдарё вилояти минтақавий филиали директори

**«Дўстлик» ордени билан**

**Джамбекова Сияре Сулеймановна** — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси тиббий-ижтимоий маркази шифокори

**Нетесова Ирина Евгеньевна** — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси бош ҳисобчиси

**Раҳмонова Раҳима Рашидовна** — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Самарқанд вилояти минтақавий филиали директори

**«Шуҳрат» медали билан**

**Артиқов Хайрулло Далолович** — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Наманган шаҳар таянч пункти директори, Наманган вилояти

**Бойиров Баҳриддин Ўралович** — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Қашқадарё вилояти минтақавий филиали директори

**Ибрагимова Мунаввар Ибрагимовна** — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Бухоро вилояти минтақавий филиали тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси ҳамшираси

**Тошпўлатова Масуда Джураевна** — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Олмазор тумани таянч пункти директори, Тошкент шаҳри

**Тошбоев Абдулло Хурамович** — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Сурхондарё вилояти минтақавий филиали бош ҳисобчиси

**Тургунов Усманжон** — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Андижон вилояти минтақавий филиали тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси ҳайдовчиси

**Халиков Фирдавс Давранкулович** — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташкилий-услубий бўлими бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2013 йил 23 апрель*

### Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг пленуми тўғрисида

## АХБОРОТ

**24 апрель куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Шу куннинг ўзида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг VIII пленуми бўлди. Унда Марказий Кенгаш аъзолари иштирок этдилар. Пленумда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Ёқубович Ғуломов ўз аризасига асосан лавозимидан озод этилди.

Ҳотамжон Абдураҳмонович Кетмонов Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси этиб сайланди.

Пленум, шунингдек, бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ҳамидулла Сотиволдиевич Назаровни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари лавозимидан озод қилди. Рустам Тўйчиевич Комилов Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари этиб сайланди.

Шунингдек, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши таркибига ҳам ўзгартиришлар киритилди.

**ЎзХДП МК Матбуот хизмати.**

**● ЎЗБЕКИСТОН —**

*Менделеев олимпиадасини беш йил ичида икки марта қабул қилган ягона мамлакат...*

*5-бет*

# СОҒЛОМ АВЛОД — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

Унда Ўзбекистон парламенти аъзолари, вазирлик ва идоралар, жамоат бирлашмалари раҳбарлари, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва унинг таркибий бўлинмалари ходимлари, мамлакатимиз ва бошқа давлатлар тиббиёт муассасалари мутахассислари, жамғарманинг ҳамкорлари — халқаро ташкилотлар вакиллари, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатлар иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишланган «Соғлом авлод — миллат келажаги» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбарининг «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллиги муносабати билан 2013 йил 23 апрелда қабул қилинган фармонига мувофиқ бир гуруҳ ходимлар давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Тадбирда Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, ўз тараққиёти ва аниқ ижтимоий йўналтирилгани билан ажралиб турадиган кенг кўламли ислоҳотлар йўлини танлади.

Мамлакатимизда аҳолининг 40 фоизини 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ташкил этади. Шу боис жисмонан соғлом, маънавий етук, ақл-заковати юксак, мустақил фикрлайдиган ва келажакка ишонч билан қарайдиган баркамол авлодни тарбиялаш ҳақида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваломбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.

Бу борадаги хайрли ишларда давлат тузилмалари қатори мамлакатимизнинг кўплаб жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Улар орасида Президентимиз Ислом Каримовнинг 1993 йил 23 апрелда қабул қилинган фармонига биноан ташкил этилган «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси алоҳида ўрин тутади. Жамғарма хотин-қизлар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолига санитария-гигиена қоидаларини етказиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Жамғарма давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этиш билан бирга, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашдек муҳим вазифаларга тўлиқ жавоб берадиган ўзининг кўплаб лойиҳаларини ҳам ҳаётга татбиқ этмоқда.

Анжуманда «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси С.Иномова жамғарма фаолияти тўғрисида ҳисобот берди.

Ўзбекистонда болалар ҳуқуқларини, жумладан, фаровон, соғлом ҳаёт кечириш ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. БМТ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси мамлакатимиз ратификация қилган дастлабки халқаро ҳужжатлардан биридир. Истиқлол йилларида бу соҳага тааллуқли 14 қонун, шу жумладан, 2008 йил 7 январда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун, давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ҳамда қарорлари, юздан ортиқ бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.



Соғлом болалар туғилиши ва вояга етиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида қатор давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Аҳолининг репродуктив саломатлик сифатини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишни янада яхшилаш, оила институтини мустаҳкамлашга доир самарали чоралар кўрилмоқда.

Мамлакатимизда болалар соғлом туғилиб вояга етиши, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида жадал амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиши учун муҳим ишлар бажарилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш доирасида жаҳон ҳамжамияти томонидан бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида эътироф этилган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш миллий модели яратилди. Бугун кўплаб давлатлар Ўзбекистонда яратилган моделни ҳисобга олган ҳолда, соғлиқни сақлаш соҳасида ўз ислоҳотлар стратегиясини ишлаб чиқмоқда. Ўзбекистоннинг жаҳон рейтингида болалар саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатилаётган ўн давлат қаторидан жой олгани ҳам мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган улкан ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А.Комиловнинг таъкидлашича, том маънода умуммиллий ҳаракатга айланган «Соғлом она — соғлом бола» дастурини ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда энг чекка туманлардаги хотин-қизлар ва болаларга ҳам малакали тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Замонавий аппаратура билан жиҳозланган қарийб 3200 қишлоқ врачлик пункти ташкил этилди. Давлат томонидан кафолатланган бепул шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мутлақо янги тизим ташкил этилиб, самарали фаолият кўрсатмоқда.

Туғруқхона комплекслари ва болалар тиббиёт муассасаларининг фаолияти Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига жавоб берадиган илғор ташхис қўйиш, профилактика ва даволаш технологияларига асосланган.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида скрининг-марказлар тармоғининг ташкил этилиши ҳисобидан ирсий касалликлар ва ривожланишда туғма нуқсонлари бор болаларнинг туғилиши сезиларли даражада камайди. Перинатал марказлар тармоғида янги тиббий услублар кўмагида энг мураккаб ҳолатларда ҳам болаларнинг соғлом туғилишида ёрдам кўрсатилмоқда.

Барча тиббиёт муассасалари халқаро стандартлар асосида тайёрланган юқори малакали кадрлар билан таъминланган. Ҳар йили туғиш ёшидаги аёллар ва болаларни оммавий профилактика кўригидан ўтказиш йўлга қўйилган. Витаминлар ва микроэлементлар етишмаслигини, хусусан, унни тўйинтириш ҳамда тузни йодлаш орқали олдини олиш бўйича дастурлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Икки ёшгача бўлган болаларнинг барчаси эмланмоқда. Ушбу чора-тадбирлар натижасида хотин-қизлар ҳамда болалар ва умуман, мамлакатимиз аҳолисининг касалланиш даражаси анча камайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 22 февралдаги қарорига асосан «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан ноёб тиббий-ижтимоий патронаж тизими ташкил этилди. Бу вазифани мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида шакллантирилган сайёр бригадалар мутахассислари амалга оширмоқда. Улар оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий шароити, улардаги психологик муҳит ва оила аъзоларининг саломатлигини ўрганмоқда. Бундай патронаж тизими фаолият кўрсатишни бошлагандан буён замонавий ташхис қўйиш ва даволаш услубларидан фойдаланган ҳолда, 3 миллион нафардан ортиқ киши, асосан олис аҳоли пунктларида яшайдиган хотин-қизлар ҳамда болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, соғломлаштирилди.

Кўмакка муҳтож оилаларга манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари бир пайтнинг ўзида оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли тиббий маданиятини юксалтиришга қаратилган кенг санитария-маърифат ишларини ҳам амалга оширмоқда. Шу мақсадда маҳаллалар, таълим муассасаларида мутахассислар иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари уюштирилмоқда.

Сўнгги икки йилда жамғарма томонидан ўсиб келаётган ёш авлодни соғломлаштириш ва баркамол тарбиялашга қаратилган давлат дастурларини амалга ошириш борасида ўнлаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди.

Масалан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси иштирокида Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига саккиз марта «Саломатлик» поезди ташкил этилди. Бу поездларнинг шифокорлар бригадалари таркибига мамлакатимиз етакчи клиникаларининг ташхис қўйиш ва даволаш билан шуғулланадиган турли соҳа мутахассислари киритилган бўлиб, улар аҳолига тиббий маслаҳатлар бермоқда, даволаш ва профилактик ёрдам кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, жойларда аҳоли, биринчи навбатда, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга хайрия ёрдами кўрсатилмоқда, дори-дармонлар, витаминлар ва гигиена воситалари берилмоқда.

Конференцияда Ўзбекистон хотин-қизлар ва болаларни бепул скрининг-текширувдан ўтказиш бўйича тизим фаолият кўрсатаётган дунёдаги кам сонли ва МДҲдаги ягона мамлакат экани таъкидланди. «Она ва бола скрининги» Давлат дастури ижросини таъминлаш доирасида сўнгги икки йилда мамлакатимиз скрининг марказларида қарийб уч миллион неонатал тадқиқот ўтказилди. Хавфли гуруҳга кирадиган чақалоқларда ирсий касалликларнинг олдини олиш мақсадида зарур препаратлар ва махсус болалар озуқалари бепул берилмоқда.

Соғлиқни сақлаш муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий даволаш-ташхис қўйиш асбоб-ускуналари, инвентарь ва дори-дармонлар билан таъминлаш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги болалар шифохонаси, Нукус шаҳридаги туғруқхона комплекси, «Чортоқ» болалар санаторийси, бошқа тиббиёт ҳамда соғломлаштириш муассасаларига шундай манзилли ёрдам кўрсатилди. Тошкентда «Соғлом авлод учун» жамғармаси Тиббий-ижтимоий марказининг янги биноси қурилиб, тўлиқ жиҳозланди. Жамғарма мамлакатимиз ҳудудларидаги шифокорларнинг хорижий тиббиёт марказларида малакасини оширишга ҳам кўмаклашмоқда.

Жамғарма хорижий шериклар ёрдамида туғма касалликлари ва ривожланишда нуқсонлари бор болаларни мамлакатимиздаги, Австрия, Германия ва Жанубий Кореядаги энг яхши клиникаларда бепул ва тезкорлик билан даволашни йўлга қўйди.

Хайрия фаолиятига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, ногирон болалар, серфарзанд ва кам таъминланган оилаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Шубҳасиз, соғлом турмуш тарзини таъминлашда энг яхши восита — бу жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдир. Шунинг учун хотин-қизлар ва болалар, айниқса, қизларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш жамғарма фаолиятида муҳим ўрин тутади. Бу борада спортнинг теннис ва стол тенниси, бадиий гимнастика, синхрон сузиш, бадминтон, волейбол каби кўплаб турлари бўйича турли мусобақалар ташкил этилмоқда. Баркамол авлодни тарбиялашда болаларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш ҳам муҳим ўрин тутади. Шу мақсадда ҳар йили ёш мусиқачилар, хонандалар, раққос ва рассомларнинг республика ҳамда ҳудудий кўрик-танловлари ўтказилмоқда.



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Жамғарма томонидан мамлакатимиз давлат ва жамоат тузилмалари, халқаро шерик-ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ушбу хайрли ишлар, аввало, узоқ муддатли самарага эришиш — миллат генофондини сақлаш ҳамда яхшилаш, аҳолининг умр кўриш давомийлиги ва сифатини ошириш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва вояга етиши учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Мамлакатимизда Обод турмуш йили деб эълон қилинган 2013 йилда «Соғлом авлод учун» жамғармаси болалар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг саломатлик сифатини ошириш бўйича ўзининг инсонпарварлик ҳамда хайрия миссиясини бажаришни янада фаоллаштириши таъкидланди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида оналар ва болалар ўлими уч баравар камайганида «Соғлом авлод учун» жамғармасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Конференцияда хорижий иштирокчилар Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама ривожланган ёш авлодни тарбиялаш борасида қўлланилаётган янгича ёндашув улкан натижалар бераётганини, бу дунёнинг бошқа кўплаб давлатлари учун намуна бўлиб хизмат қилиши ҳамда мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат юксак самаралар бераётганидан далолат эканини таъкидлади.

Тадбирда сўзга чиққан «Прибори Ой» компаниясининг тижорат директори Мария Кивисто (Финляндия), «Фриеденсдорф интернейшнл» халқаро ташкилоти директори Томас Якобс (Германия), Корея халқаро соғлиқни сақлаш фонди вице-президенти (KOFIH) Пак Пёнг Рёль (Корея Республикаси), Туркия халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш агентлигининг (TIKA) Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Явуз Жорух, Россия Тиббиёт фанлари академиясининг тиббий-генетика илмий маркази лабораторияси мудири Екатерина Захарова ва бошқалар шу ҳақида гапирди.

Муҳокама якунлари бўйича қабул қилинган тавсияларда Ўзбекистонда соғлом болалар туғилиши ва ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишлар сифатини тубдан яхшилаш, бу борадаги ишларда жамоат ташкилотларининг кенг иштирокини таъминлаш ҳамда уларнинг салоҳиятидан ҳар томонлама фойдаланиш бўйича тўпланган бой тажрибани ўрганиш ва кенг қўллаш зарурлиги қайд этилди.

«Туркистон» саройида меҳрибонлик уйлари болалар ижодий жамоалари иштирокида «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишланган байрам концерти бўлиб ўтди.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

**Анжуман**

# ОН-ЛАЙН МУЛОҚОТ

**Андижон давлат тиббиёт институтида «Тиббиёт, биология, биофизика ва биохимиянинг долзарб муаммолари» мавзуида видеоконференция бўлиб ўтди.**

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар, Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросига бағишлаб онлайн тарзида ўтказилган мазкур конференцияда юртимиздаги тиббиёт йўналишида фаолият олиб бораётган олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

Анжуманда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар хусусида сўз юритилди. Олим ва мутахассисларнинг тиббиётдаги ютуқ ва муаммолар, турли хасталикларни вақтида даволаш ҳамда биология, биофизика ва биохимиянинг долзарб муаммолари юзасидан маърузалари тингланди. Улар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Мазкур видеоконференция орқали илмий изланишларимиз ҳақида олий ўқув юртларида таҳсил олаётган тенгдошларимиз билан инглиз тилида мулоқот қилиш имконига эга бўлдик, — дейди Андижон давлат тиббиёт институти учинчи босқич талабаси Дилдора Раҳматуллаева. — Бу нафақат тадқиқотларимизни мутахассислар кўригидан ўтказиш, балки инглиз тили бўйича билим ва кўникмаларимизни оширишга ҳам ёрдам берди.

Конференцияда бундай тадбирлар турли касалликларни вақтида даволаш, бу борадаги ишларни такомиллаштириш, ёш олимларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, инглиз тилига бўлган қизиқишларини ошириш, билимларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди.

**Маънавият**

**Самарқанд вилояти Нуробод тумани марказида янги китоб дўкони очилди.**

# НУРОБОДДА ЯНГИ КИТОБ ДЎКОНИ

Мамлакатимизда аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлигини ошириш, халқимизни, хусусан, ёшларни юксак салоҳиятли, билим ва дунёқараши кенг инсонлар этиб камолга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

— Республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар дастури ижроси юзасидан ташкил этилган мазкур зиё масканига пойтахтимиздаги «Ўзкитобсавдо» масъулияти чекланган жамияти орқали ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп, бадиий китоблар, дарсликлар келтириб, сотишни йўлга қўйдик, — дейди тумандаги «Нуробод таъсис савдо» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Собир Суяров. — Шунингдек, аҳоли буюртмаси бўйича ҳам китоблар келтириб берилади. Доимо дўконимиз одамлар билан гавжумлиги юртдошларимизда адабиётга, китобга меҳр кучли эканидан далолатдир.

— Юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари туманимизда ҳам ҳар йили кўплаб янги бино, иншоотлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилаётир. Айниқса, замонавий китоб дўконининг очилиши одамлар кўнглидаги иш бўлди, — дейди тумандаги 2-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ойдин Усмонова. — Бу халқимиз маънавиятини юксалтириш, фарзандларимизнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишларига хизмат қилади.

**Қарор ва ижро**

# СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

**Фарғона вилояти Бувайда туманидаги «Инғирчоқ» қишлоқ врачлик пункти янгидан бунёд этилиб, «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида лаборатория асбоб-ускуналари, зарур тиббий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган.**

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 1 июлда қабул қилинган «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори асосида фаолияти янада яхшиланаётган мазкур қишлоқ врачлик пункти ҳудуддаги етти мингдан зиёд аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда.



Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

***Суратда:** Бувайда туманидаги «Инғирчоқ» қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси Ёрқиной Бозорова.*

Ушбу бирламчи шифо маскани мудири Ғофуржон Қурбоновнинг айтишича, оналар ва болалар саломатлиги доимий эътиборда. ҚВП томонидан амалга оширилаётган тиббий профилактика ишлари кутилган натижаларни бераётир.

**ЎзА**

# ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИ — ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

*Пойтахтимизда бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий семинар ушбу мавзуга бағишланди*

**Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш масалалари, бу борадаги миллий ва халқаро тажрибани муҳокама этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат эди.**

Семинар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилди.

Унда Европа Иттифоқи давлатларидан экспертлар, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган элчихоналар ва халқаро ташкилотлар ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ҳамда Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-ошкоралигини таъминлаш, кенг жамоатчиликни Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларнинг амалга оширилиши ҳақида хабардор этиш мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим йўналишлари экани таъкидланди.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган сўз эркинлиги ҳамда фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини кафолатлайдиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари фуқаролар, оммавий ахборот воситалари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларини ахборотни эркин, монеликсиз олиш, текшириш ва тарқатиш имконини бермоқда, шунингдек, ахборотдан, жумладан давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолияти ҳақидаги ахборотдан умумий фойдаланиш, унинг очиқлиги ва ишончлилиги принциплари белгилаб берилган.

Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда кейинги ўн йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 2 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайди.

Бугун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 1320 дан ортиқ оммавий ахборот воситасининг 60 фоизи нодавлат ахборот оммавий воситаларидир. Уларнинг 200 дан ортиғи электрон шаклга эга бўлиб, ҳар куни мамлакатимиз ва хорижда рўй бераётган воқеалар ҳақидаги долзарб ахборот, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий масалалар бўйича таҳлилий материаллар бериб боради. Бундан ташқари, аҳолининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот манбаларидан, жумладан, уларнинг ахборот хизматлари ва веб-сайтлари орқали кенг фойдаланиши таъминланмоқда. Бу фуқароларда давлат ҳокимияти органлари фаолияти, шунингдек, давлат бошқаруви самарадорлиги тўғрисида яхлит ҳамда холис тасаввурни шакллантиришга хизмат қилаётир.

Мамлакатимиз экспертлари Ўзбекистонда демократик ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи, ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг янада очиқ-ошкоралигини таъминлаш, бу вазифани ҳал этишда оммавий ахборот воситаларининг ролини оширишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этаётганини таъкидлади.

Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун алоҳида аҳамиятга эгадир. Қонунда жамоатчиликни давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида хабардор қилиш процедуралари аниқ белгилаб берилади. Қонун аҳоли, оммавий ахборот воситалари ва жамоат бирлашмаларининг ушбу органлар томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор қарорлари тўғрисидаги ахборотдан янада кенг фойдаланишини таъминлашга хизмат қилади.

Ушбу ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши сиёсий плюрализм, мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеалар ҳақида фикрлар хилма-хиллиги эътиборга олинган ҳолда, ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг, амалга оширилаётган ислоҳотлар, ички ҳамда ташқи давлат сиёсатининг очиқ-ошкоралигини таъминлаш имконини беради.

Ушбу илмий-амалий семинар жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида хабардор қилиш бўйича миллий ҳамда хорижий тажрибани, мазкур органларнинг фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек, уларнинг оммавий ахборот воситалари, кенг жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигининг янги моделларини муҳокама этиш имконини берди.

— Бундай халқаро илмий-амалий семинарнинг ташкил этилиши фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ёрдам беради, — дейди Бундестаг илмий бўлими раҳбари Рожер Клосс (Германия). — Тадбир биз учун жуда долзарб. Негаки, бизнинг мамлакатимизда ҳам фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг архив ахбороти, ҳужжатларидан фойдаланишини таъминлашга қаратилган янги қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Мазкур семинар бизга ахборот соҳасини ислоҳ этиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш соҳасида Ўзбекистон тажрибаси билан танишиш имконини берди.

Семинарда демократик жамият қуришнинг муҳим вазифаси сифатида матбуот, сўз ва ахборот эркинлиги, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш ҳамда сайлаш эркинлигини таъминлаш, шунингдек, тегишли халқаро нормаларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш соҳасида қонунчиликни ривожлантириш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш бўйича мамлакатимиз тажрибаси кўриб чиқилди.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди. Уни тайёрлашда ривожланган демократик давлатлар тажрибаси ўрганилган, ахборот ҳуқуқи соҳасида фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар тавсиялари инобатга олинган. Ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси, хусусан, хорижий экспертлар иштирокида кенг муҳокама этилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилган қирқдан ортиқ конференция, семинар ва давра суҳбатлари якунлари бўйича мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштиришга оид юзга яқин таклиф умумлаштирилди.

— Мазкур қонун ғоят муҳимлигини таъкидламоқчиман, — дейди Франция Маданият ва оммавий коммуникациялар вазирлигининг босма матбуот бўйича директори ўринбосари Сильви Клеман-Кузен. — Бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, очиқ-ошкоралигини таъминлаш имконини беради. Мазкур тадбирда иштирок этиш, янги қонун лойиҳаси билан танишиш мен учун жуда фойдали бўлди.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қоидаларини такомиллаштириш, муҳим социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этиш бўйича давлат органлари фаолияти ҳақида аҳолини хабардор қилиш, мамлакатимизни демократик янгилаш ҳамда модернизация қилишга доир вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтларининг роли ҳамда аҳамиятини ошириш мақсадида Президентимиз Ислом Каримов томонидан мазкур қонун лойиҳасининг нормаларини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий тажриба ишларини амалга оширишга қаратилган фармойиш қабул қилинган.

Ҳуқуқий тажрибанинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, у Бухоро ва Самарқанд вилоятлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг реал фаолиятида синовдан ўтказилади. Давлат тузилмаларидан ташқари оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, уларнинг фаолияти ҳақида ахборот олишдан манфаатдор юридик ҳамда жисмоний шахслар ҳам мазкур тажрибада иштирок этади.

Приморск-Люблян университети профессори Сандра Басик Хрватиннинг (Словения) айтишича, Ўзбекистонда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси нормаларини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий тажрибани ўтказиш қонун ижодкорлиги фаолиятининг замонавий услубларидан бири бўлиб, мамлакатда ижтимоий ҳаётни демократлаштириш жараёнлари тобора такомиллашиб бораётганидан далолат беради. Шу сабабли бундай тажрибанинг икки вилоятда ўтказилаётгани жуда ҳам муҳимдир. Бу ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳаси бўйича асосли тавсиялар олиш, сўнгра уни ҳаётга муваффақиятли жорий этиш имконини беради.

Халқаро илмий-амалий семинар якунлари бўйича фуқаролар ва оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан кенг фойдаланишини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, ижтимоий шериклик субъектлари фаолиятининг очиқ-ошкоралигини таъминлаш, шунингдек, ахборот соҳасини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини амалга оширишга доир таклифлар ишлаб чиқилди.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ИЛМ-ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*«Ўзэкспомарказ»да 24 апрель куни Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар VI Республика ярмаркаси очилди*

**Президентимизнинг 2006 йил 7 августда қабул қилинган «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2008 йил 15 июлда имзоланган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2010 йил 15 декабрдаги «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорларида белгиланган Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантириш йўналиши инновацион иқтисодиётга ўтишни назарда тутади.**

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур ярмаркада вазирликлар, идоралар, банклар, иқтисодиётимизнинг барча тармоқлари, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси корхоналари, фермер хўжаликлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси институтлари, олий ўқув юртлари, илмий марказлар ҳамда тажриба-конструкторлик ташкилотлари иштирок этмоқда.



Маълумки, шу кунгача ўтказилган ярмаркаларда 2000 дан ортиқ инновацион ғоя ва технологиялар намойиш этилиб, ҳажми 44,7 миллиард сўмга тенг бўлган 1545 та шартнома изоланган.

Натижада 480 миллиард сўм ҳажмда маҳсулотлар ишлаб чиқарилган, 19 номдаги янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш бошланган, 24 та шартнома доирасида маҳсулотларни саноат-тажриба, ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, инновациялар ярмаркалари илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бу йилги ярмаркада 100 дан ортиқ илмий, илмий-тадқиқот, олий таълим ва тажриба конструкторлик ташкилотларнинг 550 га яқин технология ва ишланмалари намойиш қилинаяпти.

— Пахта тойларини қадоқлаш маҳсулотини тайёрлаш технологияси ишланмаси билан қатнашмоқдамиз, — дейди **Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти доценти, техника фанлари номзоди Фарҳод Раҳимов.** — Намойиш қилаётган технологияда чоксиз енгсимон трикотаждан фойдаланилган. Унинг ўлчамлари ва кўрсаткичлари илмий жиҳатдан асосланган.

Енгсимон трикотаж фақат енига тегишли ўлчамда бичилиши ва бир томонидан тикилиши билан аҳамиятли.

Тақдим этилаётган ишланмаларнинг асосий қисми экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулот ва технологиялар бўлиб, улар янги юқори самарали материаллар, машиналар, препаратлар ва жаҳон андозаларига мос бўлган бошқа тегишли илмий ҳажмдор маҳсулотлар яратиш имконини беради.

Ишланмаларнинг 100 таси «Технологиялар трансфери» бўлимида алоҳида намойиш этилади. Уларнинг 69 таси саноат соҳасида, 18 таси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, 13 таси соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳасидаги ишланмалардир.

Ярмаркада ёш олимларни илмий-тадқиқот ишларига ва инновация фаолиятига жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида олий таълим муассасалари талабалари ва «Келажак овози» республика танлови ғолибларининг 74 та ишланмаси ҳам тақдим этилмоқда.

— Бир қатор янги лойиҳалар ва ишланмалар билан қатнашмоқдамиз, — дейди **ЎзРФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти ходими Фаррух Юлчиев.** — Булар қаторида янги типдаги менбранали клапнга эга гидротарқатгич (амортизатор) ҳаракатланаётганда машина хавфсизлигини, узоқ муддат ишлашини ва юмшоқ юришини таъминлайди.

Менбранали клапнга эга гидротарқатгични ўзимизда ишлаб чиқарилаётган енгил автомашиналарга қўйиш режалаштирилмоқда.

Ярмарка доирасида, шунингдек, мавзулар бўйича илмий-амалий семинарлар ва давра суҳбатлари бўлиб ўтади.

VI Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ғ.Ибрагимов, У.Розуқулов иштирок этди.

**Шуҳрат ИСЛОМОВ**



Асқар ЁҚУБОВ (ЎзА) олган суратлар.

## Озод юртнинг обод уйлари

**Арнасой тумани Ғафур Ғулом номидаги маҳаллада 2012 йилда намунавий лойиҳалар асосида 25 уй қурилиб, ўз эгаларига топширилган эди. Жорий йилда ушбу маҳаллада яна йигирмата уй барпо этилаётир.**

# ҚИШЛОҚЛАР КУН САЙИН ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

— Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар қуриш бошланганидан буён амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари самарасида чўл туманлари қиёфаси ҳам бутунлай ўзгариб бормоқда, — дейди мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фарҳод Жўраев. — Эндиликда миллий ва замонавий меъморчилик асосида қурилаётган янги уйлар туфайли қишлоғимиз ободлик ва фаровонлик бўйича шаҳардан қолишмайди.

**Банкнинг имтиёзли кредитлари ҳисобига барпо этилаётган ҳовлили, томорқали, зарур хўжалик биноларига эга замонавий уй-жойларнинг афзалликларига ҳамма ҳавас қилмоқда. Шу боис бундай уйга эга бўлишни истовчилар сафи тобора кўпаймоқда. Ахир ким ҳам шаҳарга хос услубда қурилган уйларда яшашни орзу қилмайди, дейсиз?**

Маҳаллада янги уй-жойлар қурилиши билан бир вақтда аҳоли эҳтиёжлари учун зарур барча хизмат тармоқлари ҳам барпо этилди. Ҳудуддаги умумтаълим мактабининг икки қаватли биноси капитал таъмирланиб, замонавий билим масканига айлантирилди. Маҳалла ҳудудидан ўтадиган йўл асфальтланди, ичимлик суви тармоғи таъмирланиб, аҳолининг тоза ичимлик сув билан таъминланиши яхшиланди.

— Тошкентда ўтказилган «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларининг қишлоқ аҳолисини замонавий уй-жойлар билан таъминлаш борасидаги Ўзбекистон тажрибасига юксак баҳо бергани бежиз эмас, — дейди янги уйлардан бирининг соҳиби, «Сиёб» фермер хўжалиги раиси Носир Мамараҳимов. — Хорижлик мутахассисларнинг юртимиздаги ушбу жараёнга берган юксак баҳоларини эшитиб, шундай обод ва озод юртда яшаётганимизга шукроналар айтдик.

Ўтган йиллар мобайнида туманда 56 хонадон янги уйга эга бўлди. Бу йил яна йигирма оила янги турар-жойга кўчиб ўтади. Демак, йил охиригача намунавий лойиҳадаги жами уйлар сони 76 тага етади. Умуман олганда, ўтган даврда вилоятдаги қишлоқ аҳоли массивларида намунавий лойиҳа асосида 1115 уй қуриб битказилди. Бу йил вилоятда 550 уй барпо этилаётир.

Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши вилоят қурилиш индустрияси ривожланишига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Эндиликда янги аҳоли массиварини бунёд этаётган пудратчининг аксарияти қурилиш соҳасида етарли тажрибага эга йирик ташкилотлардан иборат.

Ўтган даврда вилоятда маҳаллий хомашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, мини технологияларни жорий этиш борасида кенг кўламли ишлар бажарилди. Жумладан, темирбетон буюмлари, металл конструкциялар ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти йўлга қўйилди. Ўндан ортиқ алюмин эшик-ром, черепица, 30 дан зиёд пишиқ ғишт тайёрловчи завод ҳамда оҳак етказиб берувчи корхона ишлаб турибди. Тош, мармар қазиб олиш ва қайта ишлаш корхоналари очилиши туфайли қурилишни шағал-тош, қум, мармар билан таъминлаш имкониятлари ҳам кенгайди.

Бир сўз билан айтганда, бутун мамлакатимизда бўлгани каби Жиззах вилоятида ҳам қишлоқлар ой сайин, кун сайин чирой очиб, замонавий қиёфага эга бўлмоқда.

**Тошқул БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

# ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШ УЧУН

## бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада кучайтириш зарур



**Наманган вилоят партия кенгашининг тўққизинчи пленуми бўлиб ўтди. Унда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш орқали дастурий мақсадларни рўёбга чиқариш самарадорлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.**

**Бошланғич ташкилотлар фаолиятини жонлантириш, йўл қўйилган айрим камчиликларни бартараф этиш, бу борада депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликни изчил йўлга қўйиш, тарғибот ишлари таъсирчанлигини ошириш хусусида фикр алмашилди.**

Бошланғич ташкилотнинг ишини жонлантирмай, фаоллаштирмай туриб, дастурий мақсадларга эришиб бўлмайди. Тўғри, БПТнинг сонини шунчаки кўпайтиришдан партия манфаатдор эмас. Энг муҳими, аъзоларни янада жипслаштириш, етакчилар салоҳиятини ошириш, тажрибали кадрлар тайёрлашда, партиянинг дастурий мақсадларини амалга оширишда уларнинг кучидан самарали фойдаланишдир.

Пленумда бу борада турли таклиф ва тавсиялар билдирилди. Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларни бошланғич ташкилотларда мунтазам ўтказишни ташкил этиш, юқори партия кенгашларидан юбориладиган услубий тавсиялар, қўлланмаларни қуйи бўғинга ўз вақтида етказиб бериш каби масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз депутатлик гуруҳларининг фаолиятини жонлантириш ҳам бугун олдимизда турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурига мувофиқ, депутатлик гуруҳлари томонидан ўтган давр мобайнида вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари сессиялари ва доимий комиссиялар муҳокамасига 21 та масала киритилган ҳамда қабул қилинган қарорлар ижроси назоратга олинган.

Халқ депутатлари Уйчи, Тўрақўрғон, Чортоқ, Янгиқўрғон, Чуст, Норин туман Кенгашлари сессиялари ва доимий комиссиялари йиғилишларида партиямиз депутатлари ташаббуси билан электоратимиз манфаати билан бевосита боғлиқ қатор масалалар кўриб чиқилди.

Аммо бу етарли эмас, албатта. Партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари ишини талаб даражасида ташкил этиш, партия Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни кўнгилдагидек бажаришда улардан янада фаол ва ташаббускор бўлиш талаб этилади.

Пленумда вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Абдурашид Убайдуллаев депутатлик гуруҳлари ҳамда бошланғич ташкилотлар фаолиятини комплекс равишда кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Бу борада махсус чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиш, тажриба кунлари ўтказиш, депутатлар билан бошланғич ташкилотларни ўзаро боғлайдиган механизм яратиш таклифи ўртага ташланди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зиёвуддин Мансуров, партия Марказий Кенгаши ташкилий-кадрлар ишлари бўлими мудири Зокиржон Холматов, вилоят Кенгаши депутати Шоира Абророва, Чуст туман партия кенгаши раиси, туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Муҳсинжон Бобохонов олдинда турган вазифалар хусусида фикр юритиб, уларни амалга оширишда ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик ва ташаббускорлик зарурлигини таъкидлашди.

Пленум муҳокама этилган барча масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

Ўзбекистон — умумий уйимиз

# ТИНЧЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК – БЕБАҲО НЕЪМАТ

**Қарши шаҳрида Обод турмуш йилига бағишланган «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида дўстлик ва маданият фестивали бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳаммадиев, Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари А.Жўраев, вилоят рус миллий маданият маркази раҳбари Е.Кучеренко ва бошқалар истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида миллатлараро тотувликни таъминлаш, мамлакатимиз ҳудудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамлаб қўйилгани кўпмиллатли халқимизнинг эртанги кунга қатъий ишонч билан яшаб, Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида фидокорона меҳнат қилишида муҳим аҳамият касб этаётир.

Шу куни вилоят марказида «Дўстлик уйи»нинг очилиш маросими бўлди.

— Барча қулайликларга эга мазкур «Дўстлик уйи»нинг фойдаланишга топширилганидан жуда мамнунмиз, — дейди араб миллий маданият маркази масъул котиби Ниёзмуҳаммад Панжиев. — У миллий маданият марказлари фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Қарши санъат коллежида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» дўстлик ва маданият фестивали бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги барча миллий маданият марказлари аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Фестиваль доирасида ташкил этилган кўргазмада вилоятдаги миллий маданият марказлари фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи фотосуратлар, турли миллатларнинг ҳунармандчилик буюмлари ва либослари намойиш қилинди.

Турли миллат вакиллари ижросидаги Ватан, тинчлик ва дўстликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар тадбир иштирокчиларига байрамона кайфият бахш этди.

**Ф.ХОЛМИРЗАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

---

# ЯНГИ КОРХОНА

*қишлоқ ёшларини иш билан таъминлади*

**Самарқанд туманининг Чоршанби қишлоғида истиқомат қилувчи Шероз Шарифқулов ва Парвина Шарипова «Global computer servise» оилавий корхонасини ташкил этди.**

— Дастлаб «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунда белгиланган имконият ва имтиёзларни батафсил ўргандик, — дейди Парвина Шарипова. — Турмуш ўртоғим билан маслаҳатлашган ҳолда фаолиятимизни аҳолига компьютер хизматлари кўрсатишдан бошлашни маъқул кўрдик.

Имтиёзли кредит маблағи ажратишни сўраб, «Савдогарбанк»нинг Улуғбек филиалига мурожаат қилдик. Банк 11 миллион 900 минг сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратди. Бу маблағ эвазига оргтехника ва компьютерлар харид қилдик.

Натижада 6 нафар қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди. Келгусида фаолиятимизни ривожлантириб, қўшимча равишда янги иш ўринлари яратишни режалаштирганмиз.

**Абдували ХУДОЁРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

# «СОҒЛОМ ОИЛА КУНИ»

**Чуст туманида ҳар ҳафтанинг сешанба куни «Соғлом оила куни» деб белгиланган.**

**Ушбу тадбир доирасида ўқув семинарлар, тиббий маданиятни юксалтиришга доир суҳбат ва учрашувлар ўтказилмоқда.**

— «Соғлом оила куни», айниқса, чекка қишлоқ ҳудудларида ўз самарасини бермоқда, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Насиба Бозорова. — Бу тадбир хонадонларда санитария-гигиена талабларига риоя этилиши билан бир қаторда салбий ҳолатларга чек қўйилишига ҳам ёрдам бермоқда.

Таҳлиллар натижасига кўра, бу каби тадбирларнинг ўтказилиши натижасида Баймоқ, Ахча, Дамобод, Қорқўрғон, Карнон, Тошқўрғон, Оғасарой қишлоқларида турли касалликларнинг камайишига эришилган.

**(Ўз мухбиримиз.)**

---

# КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИ

*янги иш жойлари билан таъминланмоқда*

**Жорий йил Олтинсой туманида 6 мингга яқин янги иш ўринлари яратиш белгиланган. Айни пайтда 2 минг нафардан ортиқ киши муқим иш билан таъминланди. Бу борада ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.**

Яқинда туман ҳокимлиги, прокуратураси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар ташаббуси билан тумандаги Маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ана шундай тадбир ўтказилди. Унда 56 корхона ва ташкилот 248 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Бўш иш ўринлари ярмаркасида 125 нафар коллеж битирувчилари ҳудуддаги корхоналарда яратилган шарт-шароитлар билан танишди. Уларнинг 41 таси янги иш жойларига эга бўлди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти

# ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТИ

*биз учун муҳим масала*

**Обод турмуш йилида давлат ва жамоат ташкилотлари олдида турган асосий вазифалар ёш оилалар, хотин-қизлар манфаати билан бевосита боғлиқ. Айниқса, оилаларни қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирокига эришиш, улар бандлигини таъминлаш долзарб аҳамиятга эгадир.**

ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ва Бухоро шаҳар партия кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбатида мазкур йўналишлардаги ишларда «Фаол аёллар» қанотининг иштирокини кенгайтириш масаласи муҳокама этилди.

Сўзга чиққанлар жорий йилда мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган аёллар манфаатини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлашди. Шунингдек, хотин-қизлар фаоллиги, тадбирлар таъсирчанлигини ошириш ва аниқ мақсадга йўналтирилган ташаббусларни кўпайтириш кераклигини алоҳида қайд этишди.

— Давлат ва жамият бошқарувида хотин-қизларнинг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш, ижтимоий фаоллигини кучайтиришда бизнинг алоҳида иштирокимиз бўлиши зарур, — дейди **вилоят партия кенгаши раиси Саида Жўраева.** — Бунинг учун хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини юксалтириш, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал қилишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатларимиз ваколати ва имкониятларидан самарали фойдаланиш, ҳамкор ташкилотлар билан ижтимоий шерикчилик асосидаги муносабатларни ривожлантириш зарур.

— Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш кўплаб янги иш ўринлари яратишга замин ҳозирлайди, — дейди **Бухоро шаҳар партия кенгаши раиси Робия Козимова.** — Айни кунда вилоятимизда 1037 та хизмат кўрсатиш шохобчаси фаолият юритмоқда. Соҳада иш билан банд аёллар сони 11 мингдан ортиқ. Бу кўрсаткич шаҳар миқёсида 600 га яқинни ташкил этади.

**Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, соҳани янада ривожлантириш керак. Бунда энг асосий эътибор ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда самарали лойиҳаларни илгари суришга қаратилиши зарур, деб ҳисоблайман.**

— Партиямиз ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни ўз электорати деб билади, — дейди Бухоро шаҳридаги **«Жўйбор» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Ойша Усмонова.** — Шу боис ЎзХДП депутатлик гуруҳи ва партия кенгашлари ижтимоий кўмакка муҳтож фуқароларни манзилли қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келади.

**Биргина мисол. Маҳалламизда 35 нафар аёл вақтинча ишсиз. Ўрганиш жараёнида уларнинг 18 нафари ишлаш истагини билдирди. Маҳаллада ташкил этилган ҳудудий партия ташкилоти бу борада ўз таклифларини ишлаб чиқиб, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳига тақдим этди. Айни кунда депутатлар тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда хотин-қизларни касаначиликка жалб этиш бўйича амалий иш олиб бормоқда.**

Семинарда ҳудудларда касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратишга кўмаклашиш, бу борада қанотнинг амалий иштирокини таъминлаш, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш лозимлиги таъкидланди. Шу асосда таклиф ва тавсиялар тайёрланиб, кейинги режалар белгилаб олинди.

**Шаҳло БАКАЕВА**

---

ЎзХДП: бошланғич ташкилот — асосий таянч!

**Ҳар қайси сиёсий партиянинг негизи, таянчи бошланғич ташкилот ҳисобланади. Улар қанчалик самарали ишласа, электорат орасига чуқур кириб борса партиянинг мамлакат ҳаётидаги ўрни ҳам ортиб боради.**

# ҚУЙИ БЎҒИН

## партия нуфузини оширувчи куч

**Шу боис бошланғич ташкилотларга қуйи бўғин эмас, аксинча, партиянинг асосий таянчи, ҳаракатга келтирувчи кучи сифатида қараш лозим. Шунда улар томонидан берилган таклифларга эътибор ҳам ортади. Бу электорат манфаатини ўзида акс эттирган кўплаб ҳаётий ташаббуслар илгари сурилиши ва уларни амалга ошириш йўлида изчил иш олиб боришга замин яратади.**

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Андижон вилоят бўлими «Бунёдкор» филиалида ташкил этилган бошланғич ташкилоти ҳам амалий ишлар, партия электорати манфаати билан боғлиқ ташаббус кўрсатишга ҳаракат қилаяпти.

Бугунги кунда бошланғич ташкилотимиз 10 нафар аъзони бирлаштирган. Уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини юксалтириш, жамоамиз аъзоларига мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар мазмун-моҳиятини чуқур тушунтириш борасида семинар-тренинг ва давра суҳбатлари мунтазам ташкил этиб келинмоқда.

ЎзХДПдан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатлар билан ҳамкорликни, ўзаро алоқаларни кучайтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Чунки депутатлар турли таклифларни амалга жорий этиш бўйича етарли ваколатга эга. Имкониятдан самарали фойдалана олсак, қуйи ташкилотларнинг электоратни ўйлантираётган масалалар ечими ва партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва ташаббуслари кўпаяди ҳамда бундан аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатдор бўлади, деб ўйлайман.

**Мирзоҳид УСМОНОВ,**
**Бошланғич партия ташкилоти етакчиси.**

# ЎЗБЕКИСТОН — МЕНДЕЛЕЕВ ОЛИМПИАДАСИНИ БЕШ ЙИЛ ИЧИДА ИККИ МАРТА ҚАБУЛ ҚИЛГАН ЯГОНА МАМЛАКАТ...

**Кеча Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиалида 47-Халқаро Менделеев олимпиадасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.**







Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

Олимпиадада 17 та давлатдан 117 нафар ўқувчи, 24 нафар жамоа раҳбарлари, 4 нафар халқаро ташкилий қўмита, 19 нафар халқаро ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳамда 20 нафар миллий экспертлар, жами 184 нафар қатнашчи иштирок этмоқда.

Ўзбекистон, Озарбайжон, Белорусь, Болгария, Венгрия, Қозоғистон, Қирғизистон, Литва, Македония, Молдова, Россия, Руминия, Саудия Арабистони, Тожикистон, Туркманистон, Туркия ва Украина давлатларидан келган ёшлар ғолиблик учун кураш олиб боради.

Шуни фахр билан таъкидлаш керакки, 2008 йилда 42-олимпиада ҳам юртимизда ташкиллаштирилганди. Ўшанда Ўзбекистон ёшлари 1 та олтин, 1 та кумуш ва 11 та бронза медалларга сазовор бўлган.

**Мустақиллик йилларида ўзбекистонлик ёшларнинг турли фан олимпиадаларида иштирок этиб, 21 та олтин, 51 та кумуш, 90 та бронза ва 100 дан ортиқ дипломларни қўлга киритганлиги мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилган ислоҳотларнинг самарасидир.**

— Халқаро олимпиада иштирокчиларини Ўзбекистонда кўриб турганимиздан хурсандмиз, — дейди **Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири Баҳодир Ходиев.** — Таълим тизими халқларни бирлаштирувчи кучдир. Биз ишонамизки, бу ерда соҳанинг бўлажак олимлари йиғилган. Истардикки, вақтлар ўтиб сизларни Ўзбекистонга келганингиздан фахрланиб юрайлик.

Президентимиз Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт деб бежиз айтмаган. Ўзбекистон ёшлари бугун ўз билими, истеъдоди билан дунёни лол қолдирмоқда.

Кўпчиликка маълум, бизда таълим бериш 9+3 тизимида. Ўзбекистонда ушбу тизим бепул бўлиб, бу давлат томонидан кафолатланган. Ўзбекистонда яратилган таълимнинг миллий моделига бугун бутун дунё тан бермоқда.

Сизларни ишонтириб айтаманки, Ўзбекистонда ўтказган кунларингиз хотирангизда бир умр муҳрланиб қолади.

— Бу йилги олимпиада Ўзбекистонда бўлаётганидан мамнунмиз, — дейди **Ломоносов номидаги Москва давлат университети профессори, кимё фанлари доктори, ҳакамлар ҳайъати ҳамраиси Валентин Ненайденко.** — Ўзбекистон беш йил ичида икки марта Менделеев олимпиадасини қабул қилган ягона давлат. Шуни алоҳида таъкидлашни истайманки, Президентингиз таълим тизимига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон ўзига хос бой маданиятга эга. Бу ерда тарихий обидалар, шаҳарлар кўп.

Биз олимпиада иштирокчилари учун жиддий ва мураккаб топшириқларни тайёрладик. Ўйлаймизки, уларни бажариш анча қизиқ бўлади. Бу ерда фақат назарий ва амалий машғулот билан банд бўлмайсиз. Балки турли давлатлардан келган тенгдошларингиз билан танишасиз, фикр алмашасиз, янги маданиятни ўзингиз учун кашф этасиз.

Ташкилотчилар биз учун ажойиб имконият ҳозирлаб қўйишган. Яъни Самарқандга бориб келамиз. Сиз сафар давомида Ўзбекистоннинг қанчалик гўзал мамлакат эканлигига яна бир бор амин бўласиз. Ўзбек халқининг асрий анъаналари билан танишасиз.

Сизлар миллий босқичлардан муваффақиятли ўтдингиз. Шу сабабли ҳам бу ерга йиғилганларнинг барчаси ғолиб. Мағлублар бўлмайди. Ҳаммага омад тилайман. Ишонаманки, Ўзбекистонда кўрганларингизни бир умр эслаб юрасиз.

**Юрий АНДРЕЕВ, Россия:**

— Москвадаги 1303-лицейнинг 10-синфида ўқийман. Бизни жуда яхши кутиб олишди. Бугун эрталаб келган бўлсак ҳам менга Ўзбекистон ёқиб қолди. Очилиш маросими ҳам маъқул келди. Жамоамиз 10 кишидан иборат. Асосий мақсадимиз юқори ўринларни эгаллаш.

**Муборакхон ҚУРБОНОВА, Ўзбекистон:**

— Тошкент давлат педиатрия институти қошидаги академик лицейнинг учинчи курс талабасиман. Лицейга кирган пайтимда ўқитувчиларимиз Менделеев Халқаро олимпиадасида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаган ўқувчилар ҳақида гапириб беришганди. Уларнинг ҳикояларини тинглаб мен ҳам, албатта, шу олимпиадада қатнашаман, деб ўз олдимга мақсад қўйдим ва кимё фанини чуқур ўргана бошладим. Уч йил давомида тайёрландим. Айни пайтда мақсадимнинг биринчи босқичи амалга ошди — олимпиада иштирокчисиман. Энди эса совриндорлар қаторидан жой олишга ҳаракат қиламан.

**Байраммуҳаммет БАЙХАНОВ, Туркманистон:**

— Шаҳрингиз жуда ҳам чиройли экан. Бизни жуда яхши кутиб олишди. Ўзбекистон халқига миннатдорлик билдираман. Барча иштирокчиларга омад ёр бўлсин.

**Нурзат ТИМИНБЕК қизи, Қирғизистон:**

— Мен Бишкекдаги «Айчурек» қирғиз-турк лицейида ўқийман. Тошкент менга жуда ёқди. Айниқса, унинг архитектураси мақтовга лойиқ. Очилиш маросими ҳам манзур бўлди.

**Денис ШКЛЕРУС, Белорусь:**

— Мен Белорусь жамоасининг бошлиғиман. Тошкент табиати ва иқлими бизга ёқди. Ушбу олимпиадада биринчи марта қатнашяпман. Узоқ тайёргарлик кўрдик. Ўқувчиларимиз масъулиятни ҳис қилиб туришибди. Ўйлайманки, яхши қатнаша оламиз. Биз фақат ва фақат ғалаба ҳақида ўйлаяпмиз.

**Раҳим ТИНАССИЛОВ, Қозоғистон:**

— Алмати шаҳридаги Жаутикова номидаги физика-математикага ихтисослашган мактаб-интернатда ўқийман. Менделеев олимпиадасида иккинчи марта иштирок этаяпман. Ўтган йили Астанада бўлиб ўтган олимпиадада учинчи ўринни қўлга киритдим. Бу йил янада яхшироқ натижа қайд этмоқчиман. Ўзбекистон ўзининг бой анъаналарига эга бўлган давлат. Бир жиҳат эътиборимни тортди: бу ерда ҳамма ўз она тилида гаплашар экан. Очилиш маросими юксак савияда бўлиб ўтди. Ўзбек миллий куй-қўшиқлари бизга манзур бўлди. Ўйлайманки, олимпиаданинг охирги кунига қадар бугунги кўтаринки кайфият ҳаммамизда сақланиб қолади...

Олимпиада қатнашчилари очилиш маросимидан сўнг Мустақиллик майдонига ташриф буюрди ва Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди.

Менделеев Халқаро олимпиадасида ўз мамлакатида ғолиб бўлган ёшлар иштирок этади. Олимпиада уч тур — иккита назарий ва битта амалий синовдан иборат. Бажариладиган топшириқлар методик комиссия томонидан йил давомида тайёрлаб борилади. Улар топшириқларнинг мураккаб ва юқори савияда бўлишини таъминлашади.

Халқаро олимпиаданинг Методик комиссияси таркибига илғор олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, иштирокчи давлатларнинг умумий ўрта таълим мактабларининг кимё фани ўқитувчилари, бундан ташқари, талабалар ва тадқиқотчилар — Менделеев олимпиадасининг олдинги ғолиблари киради.

**Темур АЪЗАМ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Реклама ва эълонлар

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

***2013 йилда капитал таъмирланиши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича***

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| № | Объект номи ва жойлашган манзили | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Самарқанд шаҳридаги 64-сонли мактаб-интернатни капитал таъмирлаш | 284 815 995 сўм | 341 779 195 сўм | 4 ой |

**Қурилиш ишлари Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

***Савдо ташкилотчиси*** - Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

***Буюртмачи*:** Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси

***Манзили*:** Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй, телефон: (8366) 231-10-93.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: ***Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. тел. 231-13-51, факс. 233-32-00.***

**Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – 80 000 (саксон минг) сўм.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси биносида соат 10-00 да ўтказилади.

## «Сирғали деҳқон бозори» очиқ акциядорлик жамиятининг маълумоти
## Жамиятнинг аффилланган шахслари рўйхати

| Ф.И.Ш. | Лавозими | Сана | Акциялар |
|---|---|---|---|
| **Кузатув кенгаши** | | | |
| Шаисламов Ботир | Кузатув кенгаши | 25.03.2013й. | - |
| Комолов Толмас | Кузатув кенгаши | 25.03.2013й. | - |
| Ҳакимов Рауф | Кузатув кенгаши | 25.03.2013й. | - |
| Парманов Нодир | Кузатув кенгаши | 25.03.2013й. | 44 |
| Юнусов Бехруз | Кузатув кенгаши | 25.03.2013й. | - |
| **Ижроия органи** | | | |
| Акилов Абдушукур Искандарович | Жамият директори | 25.03.2013й. | - |
| **Жамият устав фондида 5 фоиздан юқори бўлган акциядорлар** | | | |
| Тошкент шаҳар ҳокимияти | | 28.05.1998й. | 95,54 фоиз |
| **Шўъба корхоналар** | | | |
| «Элга хизмат Сергели» | Шўъба корхона | 25.02.2011й. | - |

**«Сирғали деҳқон бозори» очиқ акциядорлик жамиятининг 2012 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари**

минг сўм

| Актив | | Пассив | |
|---|---|---|---|
| Асосий воситалар | 48731,0 | Устав капитали | 650000,0 |
| Узоқ муддатли инвестициялар | 518647,3 | Захира капитали | 60388,1 |
| Капитал қўйилмалар | 81716,6 | Тақсимланмаган соф фойда | -277294,8 |
| Бошқа узоқ муддатли инвестициялар | - | Мақсадли тушумлар | 156,1 |
| Ишлаб чиқариш захиралари | - | Кредиторлар | 245573,4 |
| Келгуси давр харажатлари | - | Ажратилган бўлимларга қарз | - |
| Дебиторлар | 2563,8 | Бошқа кредиторлик қарзлари | - |
| Пул маблағлари | 3344,0 | | |
| Бошқа жорий активлар | 23820,0 | | |
| **Актив бўйича жами:** | **678822,8** | **Пассив бўйича жами:** | **678822,8** |

**Молиявий натижалар**

минг сўм

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум | 552092,9 |
| 2. | Умум хўжалик фаолиятининг фойдаси | 367254,0 |
| 3. | Даромад ҳисобидан ҳисобланган солиқ ва ажратмалар | 437474,8 |
| 4. | Ҳисобот давридаги соф фойда | -70220,8 |

**Аудиторлик текшируви бўйича маълумот**

Жамиятнинг 2012 йил фаолияти якуни бўйича, аудиторлик текшируви «Impuls-Audit» аудиторлик фирмаси томонидан амалга оширилган. Аудиторлик текширувида ижобий хулоса берилган бўлиб, жамиятнинг барча молиявий-хўжалик бухгалтерия ҳужжатларида ҳисоботлар тўғри юритилганлиги қайд этилган. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти ва пул маблағларининг 2012 йилдаги ҳаракати бухгалтерия ҳужжатлари тўғрисидаги амалдаги қонунчиликка мувофиқ келиши кўрсатилган.

«Impuls-Audit» аудиторлик фирмасига аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун Молия вазирлиги томонидан 2008 йил 12 февралда 4402-сонли рухсатнома берилган.

**Кузатув кенгаши**

## «TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ риэлторлик ташкилоти

***бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида***

**ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

***Аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2012 йил 2 ноябрдаги 10-1207/18757-сонли иш бўйича қарорига асосан банкрот деб топилган, тугатилаётган «SANAR» хусусий корхонасининг Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Мойқўрғон кўчасида жойлашган қуйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилади:***

1. Умумий майдони **5000м²** бўлган ер участкасидаги қурилиши тугалланмаган 8 қаватли турар жой биноси. Бошланғич нархи – **1 393 000 000,0 (бир миллиард уч юз тўқсон уч миллион) сўм;**

2. Ҳажми **800м³** бўлган қурилиш котлованидан қазилган тупроқ. Бошланғич нархи – **8 000 000,0 (саккиз миллион) сўм.**

Аукцион савдоларида белгиланган талабларга риоя этган барча юридик ва жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари қатнашишлари мумкин.

Аукцион савдолари **2013 йил 30 май ва 6 июнь кунлари соат 16-00да** бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хонада (Мажлислар залида) ўтказилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ўтказилиш санасига қадар, савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишувга асосан, бошланғич нархнинг **10 (ўн) фоизидан** кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «TASHKENT PROF INVEST» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА: 00425, СТИР: 207142288, 20208000204955218001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Талабгорлардан буюртманомалар, тўлов ҳужжатлари, шахсни тасдиқловчи ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари ва вақтларида савдо ташкилотчисининг қуйида кўрсатилган манзилида, мазкур эълон чиққан кундан бошланади ҳамда аукцион савдоси ўтказилиши кунидан бир кун аввал **соат 17-00да** тўхтатилади.

Савдо ғолибига, савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб, 20 кун муддат ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш, тўланган закалат пули миқдори объект сотилиш нархининг 10 (ўн) фоизидан камини ташкил этса, олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар етишмаётган суммани закалат пули тўланган ҳисоб рақамига тўлаш мажбуриятлари юклатилади.

Ушбу кўчмас мулк объектларини харид этишга қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг тавсифи, хақиқий ҳолати, жойлашган жойи ва мўлжали ҳамда аукцион савдосини ўтказиш тартиб-қоидалари билан сотувчи ва савдо ташкилотчисининг қуйида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб ёки алоқа воситалари орқали танишишлари мумкин.

**Сотувчи - «SANAR» ХК тугатув бошқарувчиси Ирина Петровна Палванова.**

**Юридик манзили:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 402-хона.

Алоқа воситалари: телефон: 351-28-14.

**Савдо ташкилотчиси - «TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ риэлторлик ташкилоти.**

**Юридик манзили:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона.

**Алоқа воситалари: телефон: 233-20-13; расмий веб сайти: TPI.uz.**

Лицензия: **№RR-0109.**

***Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!***

## «TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ риэлторлик ташкилоти

***Сизларни музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган оммавий оферта савдосига таклиф этади.***

Оммавий оферта савдосига Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, 4-микрорайонда истиқомат қилувчи жисмоний шахс А.В.Тарасовнинг хусусий мулки ҳисобланган, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Оҳангарон шаҳрида жойлашган, умумий майдони 98,0 кв.м бўлган ишлаб чиқариш биноси ҳамда унинг ичидаги токарлик, ўймакорлик, чархлов, пайвандлаш станоклари ва кўтарма крандан иборат мол-мулклар қўйилади.

Бинога қарашли умумий ер майдони 2000 кв.метрни, бинонинг баландлиги 3,5 метрни ташкил этади. Бинога қарашли ҳудуд девор билан ўралган. Ҳудудда ишлаб турган бизнес (меҳмонхона, автосервис, минизавод-магазин, шлакоблок), кириш-чиқиш жойлари, автомобиль тўхташ жойи, майдони 20м х 26м бўлган бетон майдон ва қўриқлаш хизмати мавжуд.

**Бошланғич нархи – 98 000 000,0 (тўқсон саккиз миллион) сўм.**

Савдода қатнашиш учун талабгорлар «TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ риэлторлик ташкилоти билан ўрнатилган тартибда риэлторлик хизматини кўрсатиш тўғрисидаги шартномани тузишлари ҳамда ўзларининг акцепт аризаларини топширишлари лозим.

Савдо объекти энг юқори сотиб олиш нархини таклиф этган талабгорга сотилади. Савдо ғолибига савдо баённомаси имзоланган кундан бошлаб йигирма кун муддат ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш, шартномада кўрсатилган тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш мажбуриятлари юклатилади.

Музокаралар ушбу эълон чиққан кундан бошланади ва савдо объекти сотилгунга қадар ҳар куни соат 15:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хонада ўтказилади.

**Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-20-13; расмий веб сайт: TPI.uz.**

Лицензия: №RR-0109.

Ижтимоий ҳимоя

# ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ ВА КЕЛИШУВЛАРИ

## ходимлар турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг асосий омилидир

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан шу мавзуга бағишлаб матбуот анжумани ўтказилди. Унда дастлаб жамоа шартномалари ва келишувларининг ходимлар манфаатини ҳимоялашдаги ўрни ва аҳамияти хусусида маълумот берилди. Дарҳақиқат, жамоа шартномалари орқали ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнатини муҳофаза қилиш, бандликка кўмаклашиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, даромадлар ва турмуш даражаси, ижтимоий кафолатлар, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш каби йўналишлардаги ишлар амалга оширилмоқда.**



Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.

Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2011-2013 йиллар учун имзоланган Бош келишув дастуриламал бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бугунги кунда касаба уюшмалари аъзолари меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахсларнинг 95,8 фоизи жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинган. Тузилаётган жамоа келишувларида меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари аниқ ифода этилган. Ходимларнинг иш ва дам олиш вақти масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, узайтирилган асосий ва қўшимча таътиллар ўрнатилган. Тармоқ келишувларида тармоқ ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш, қонун ҳужжатларида кўрсатилганидан юқорироқ тўловларни ўрнатиш тартиби белгиланган, тармоқ хусусиятларидан келиб чиқадиган бошқа масалаларга оид аниқ ва батафсил меъёрлар келтирилган.

Шунингдек, ушбу ҳужжатларда ижтимоий кафолатлар, соғлиқни муҳофаза қилиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини, шу жумладан, болаларни соғломлаштиришни ташкил этиш масалалари акс эттирилган. Ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурларини бажариш доирасида охирги йилларда келишувлар орқали уруш ва меҳнат фахрийларига, жисмоний имконияти чекланган инсонларга, кўп болали, кам таъминланган ва ёш оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва соғломлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Жамоа шартномаси ходимларнинг бевосита ва билвосита даромадларини юксалтиришнинг амалий воситасига айланган. Жумладан, *жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун Республика бўйича ўрта ҳисобда бир ходимга йил давомида сарфланган маблағ ўтган йили қарийб 700 минг сўмни ташкил этди. Бугунги кунда 45 минг 73 та корхонада жамоа шартномалари орқали ходимларга асосий узайтирилган таътиллар (15 иш кунидан кўп миқдорда) ўрнатилган бўлиб, ушбу имтиёздан 1 млн. 731 минг 224 нафар ходим фойдаланмоқда. Қарийб 49,5 минг корхонада жамоа шартномалари асосида қўшимча таътиллар белгиланган. Ундан 2 млн. 50 минг нафарга яқин ходим фойдаланмоқда. 60 минг 543 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари жамоа шартномалари асосида корхона ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан санаторий ва санаторий-профилакторийларда соғломлаштирилди, ушбу мақсадлар учун 15 млрд. 600 млн. сўмга яқин маблағ сарфланди.*

Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали аёллар учун қўшимча таътиллар олиш, иш берувчилар ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари куни узайтирилиб, 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган бола парвариши таътилида бўлган оналарга моддий ёрдам олиш имкониятлари яратилмоқда. Айниқса, нодавлат секторидаги корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари тузилишига эришиш масаласи Федерация Кенгашининг доимий диққат марказида бўлмоқда.

Жамоа шартномалари ва келишувининг ходимлар манфаатини таъминлашдаги аҳамияти қуйидаги мисолларда аниқ ифодаланади.

Республика бўйича 2012 йил давомида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 21 минг 723 нафар фуқарога ва 179 минг 566 та оилага 39 млрд. 275 млн. сўмдан зиёд ижтимоий кўмак кўрсатилди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун 2532 нафар янги оила қурган ёшларга 328 та корхонада 17 млрд. 68 млн. сўмликка яқин фоизсиз ссудалар берилди.

Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 2736 нафар талаба учун 789 та корхонада карийб 4 млрд. 735 млн. сўм шартнома тўлов пуллари қопланди. Тармоқ корхоналарига алоқадор кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 41 минг 581 нафар фарзанди учун 7540 та корхонада ўқув қуроллари ва дарсликлар харид қилинди. 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар фарзандлари бўлган 9831 нафар ёш онага 3974 та корхонада 2 млрд. 206 млн. сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди.

Нодавлат мулк шаклидаги 2567 та корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 9156 нафар болали аёлнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси 1 соатга қисқартирилди. 9338 та корхонада 32993 та кам таъминланган оила фарзандлари учун болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар қийматини қоплашга 4 млрд. 862 млн. сўмга яқин маблағ сарфланди.

Бу борадаги ишлар Обод турмуш йилида ҳам давом эттирилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 1-чорагида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 2449 нафар фуқаро ва 12 минг 960 та оилага 6 млрд. 325 млн. сўмдан зиёд ижтимоий кўмак берилди.

Жамоа шартномалари орқали болалар соғломлаштириш оромгоҳларини сақлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, меҳнаткашлар фарзандларини имтиёзли соғломлаштириш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

2013 йилги ёз мавсумда Республика бўйича жами 900 дан ортиқ болалар оромгоҳларида 270 минг нафардан зиёд болаларни соғломлаштириш белгиланган. Улардан 30 минг нафарини бепул соғломлаштириш режалаштирилган.

Тадбирда ташкилотчилар томонидан иштирокчиларга мавзуга алоқадор маълумотлар берилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

**Темур ХУДОЙБЕРДИЕВ**

Футбол

**Яна бир турдан сўнг футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ босқичи учрашувлари поёнига етади. Мусобақанинг «G» гуруҳида қатнашаётган Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси муддатидан олдин кейинги босқич масаласини узил-кесил ҳал қилиш имкониятига эга эди. Аммо бешинчи турда ўз майдонида Япониянинг «Санфречче Хиросима» футболчиларига қарши тўп сурган ҳамюртларимиз бунинг уддасидан чиқа олишмади. Шиддатли ва муросасиз кечган ўйинда ҳисоб очилмади.**

## КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

Рақиблари билан очко бўлишганига қарамай бунёдкорчилар ўз гуруҳларидаги пешқадамлик мавқеини сақлаб қолдилар. Гуруҳнинг иккинчи учрашувида эса Хитойнинг «Пекин Гоан» вакиллари Жанубий Кореянинг «Поханг Стилерс» жамоаси дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллашди — 2:0.

**Бешинчи турдан кейинги вазият**

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. «Бунёдкор» | 5 | 2 | 3 | 0 | 5-2 | 9 |
| 2. «Пекин Гоан» | 5 | 2 | 2 | 1 | 4-2 | 8 |
| 3. «Поханг Стилерс» | 5 | 1 | 3 | 1 | 4-5 | 6 |
| 4. «Сан. Хиросима» | 5 | 0 | 2 | 3 | 2-6 | 2 |

Кеча «В» гуруҳи учрашувлари ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони — «Пахтакор» футболчилари Даммамда «Ал-Иттифоқ» (Саудия Арабистони) жамоаси меҳмони бўлди.

«Плей-офф» босқичи иштирокчилари номига ойдинлик киритувчи охирги тур ўйинлари 30 апрель — 1 май кунлари бўлиб ўтади. Унда бунёдкорчилар сафарда «Поханг Стилерс» жамоаси билан куч синашса, «Пахтакор» ўз майдонида БАAнинг «Аш-Шабаб» футболчиларига қарши ўйнайди. «Бунёдкор» вакилларини навбатдаги учрашувда дуранг натижа ҳам кейинги босқичга олиб чиқади.

**Самандар БОБОРАЖАБОВ**

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ**

**2013 йил 28 март ва 4 апрель кунлари ўтказилган оферта ҳамда аукцион савдоси натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг «KESHMARBLE» МЧЖ устав фондидаги банк улуши 2 016 633 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти балансидаги д/р 01/307ВСА бўлган «ГАЗ-31105» 15 000 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.**

**Гувоҳнома №005357**

**ОБ-ҲАВО 25-26 – 04. 2013**

*Юртимиз бўйлаб (°С)*

| | | |
|---|---|---|
| *Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти* | +7 / +12 | +15 / +20 |
| *Бухоро ва Навоий вилоятлари* | +8 / +13 | +18 / +23 |
| *Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари* | +10 / +15 | +18 / +23 |
| *Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари* | +10 / +15 | +20 / +25 |
| *Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари* | +10 / +15 | +18 / +23 |
| *Тошкент шаҳри* | +11 / +13 | +21 / +23 |

*Дунё бўйлаб (°С)*

| | |
|---|---|
| Лондон | 0 / 0 |
| Париж | 0 / -1 |
| Москва | +1 / -2 |
| Мадрид | +6 / +4 |
| Пекин | 0 / +5 |
| Канберра | +6 / +7 |
| Рим | +10 / +5 |
| Афина | +11 / +12 |
| Токио | +11 / +11 |
| Стокгольм | -6 / -7 |
| Кейптаун | +16 / +15 |
| Қоҳира | +14 / +17 |
| Гавана | +20 / +21 |
| Вашингтон | +1 / +2 |

Шоҳмот

# ТОШКЕНТ ТУРНИРИ КАШФИЁТЛАРИ

**Пойтахтимизда биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган анъанавий халқаро турнир якунланди. 2007 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётган ушбу мусобақа ёш истеъдодларимизни кашф этаяпти, ўзбек шоҳмот мактаби салоҳиятини халқаро майдонда кенг тарғиб қиляпти.**



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Швейцарча тизимда ўтказилган турнирда Ўзбекистон, АҚШ, Англия, Испания, Германия, Бруней, Озарбайжон, Украина, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг юз нафардан ортиқ шоҳмотчиси баҳс юритди.

Мусобақа якунида тўққиз имкониятдан 7,5 очко тўплаган россиялик гроссмейстер Павел Малетин бош совринга сазовор бўлди. Испаниялик Олег Корнеев, қозоғистонлик Анвар Исмагамбетов, Муртаз Кажгалиев эса бир хил — еттитадан очко жамғаришди ва коэффициентлар бўйича мос равишда кейинги ўринларни эгаллашди.

Халқаро турнирнинг 2010 ва 2012 йилдаги ғолиби россиялик гроссмейстер Максим Туров эса бу гал 6,5 очко тўплаб, мусобақада олтинчи ўрин билан кифояланди.

— Биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамов хотирасига бағишлаб ўтказилаётган бу халқаро турнир нуфузи йилдан-йил ортиб бормоқда, — дейди у. — Жумладан, ушбу мусобақа билан бир вақтда Германия, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия давлатларида ҳам йирик халқаро турнирлар ўтказилаётганлигига қарамай, ўн беш нафар гроссмейстернинг Тошкентга ташриф буюрганлиги сўзимнинг тасдиғидир.

Турнир давомида бирорта учрашув осон кечгани йўқ. Айниқса, ўзбекистонлик ёш шоҳмотчиларнинг ўйинларини кузатар эканман, юртингизда кўплаб истеъдодли ёшлар улғаяётганлигининг гувоҳи бўлдим.

Дарҳақиқат, турнир ёшларимиз учун ўзига хос тажриба ва маҳорат мактаби вазифасини ўтади. Мусобақа бошида кўпчилик яқинда ўзбек хотин-қизлари ўртасида биринчи бўлиб, халқаро гроссмейстерлик талабини бажарган Нафиса Мўминованинг имкониятларини юқори баҳолаётганди. Аммо якунда қизлар ўртасида бошқаларга нисбатан кучли ўйин намойиш этган Севара Боймуродова энг юқори натижага (5,5 очко) эришди. Ундан ярим очко кам жамғарган Нафиса Мўминова ҳамда Екатерина Айнутдинова эса кейинги ўринларни эгаллади. Уларга энг яхши натижа кўрсатган қизларга аталган совринлар топширилди.

Халқаро турнирда ёшлар ўртасида энг кўп — 6 тадан очко тўплашга муваффақ бўлган Жаҳонгир Воҳидов, Бобур Сатторов ҳамда Акмал Файзуллаев махсус совринлар билан тақдирланди.

— Мусобақа менда катта таассурот қолдирди, — дейди ўн бир ёшли хоразмлик Нодирбек Ёқуббоев. — Шоҳмот оламининг етакчи гроссмейстерларига қарши дона суриш биз ёшлар учун катта дарс бўлди. Турнирда тўққиз имкониятдан 5 очко жамғариб, болалар ва ўсмирлар ўртасида соврindor бўлганимдан хурсандман...

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Тадбир



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

**Ўзбекистон Бадиий академияси ва «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан пойтахтимиздаги мемориал боғ музейда тасвирий санъат фестивали ўтказилмоқда.**

# САНЪАТ БАЙРАМИ

Мазкур тадбирда моҳир рассомлар, ҳайкалтарошлар ва халқ амалий санъати усталари, шунингдек, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент архитектура-қурилиш институти, Республика рассомчилик коллежи ва Республика ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқувчи-ёшларининг ижодий ишларидан намуналар, маҳорат дарслари ҳамда миллий либослар кўргазмаси намойиш этилмоқда.

Миллий санъатимиз ўзининг мафтункорлиги, ранглар уйғунлиги, чизгиларнинг жонли тасвири билан ҳайрат уйғотади. Иқтидорли ёшларимизнинг миллий анъаналаримиз, маданий бой меросимиз акс эттирилган ижод намуналари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, албатта.

Тадбир давомида ҳар бир томошабин кўча ва майдонларда ижод қилаётган рассомларнинг иш жараёни билан танишиш ёки қўлига қалам олиб ўзининг рассомлик маҳоратини синаб кўриш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари, миллий урф-одатларимизни кенг қамраб олган кулолчилик, каштачилик, зардўзлик ва гиламдўзлик ишлари билан танишишлари мумкин.

26 апрелгача давом этадиган санъат байрамида маърифий тадбирлар ўтказилади ва телемониторларда Ўзбекистон санъати усталарининг ижоди тўғрисидаги фильмлар намойиш қилинади.

**Альбина ЖУМАНОВА**

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Фаррух ҲАМРОЕВ

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 446
16762 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.30
Topshirilgan vaqti — 01.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Bardambek SA`DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5